

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАСУЛОВА ЗУЛФИЯ ДАДАЕВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА БУЙРАКЛАРНИНГ
ФУНКЦИЯСИНИ ВА НЕЙРОГУМОРАЛ ТИЗИМЛАРНИНГ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ДИАГНОСТИКА
ВА ФАРМАКОТЕРАПИЯГА ЁНДАШУВНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Расулова Зулфия Дадаевна

Сурункали юрак етишмовчилигида буйракларнинг функциясини ва нейрогуморал тизимларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда диагностика ва фармакотерапияга ёндашувни ишлаб чиқиш..... 3

Расулова Зулфия Дадаевна

Разработка подходов к диагностике и фармакотерапии хронической сердечной недостаточности с учетом показателей нейрогуморальных систем и функции почек 25

Rasulova Zulfiya Dadaevna

Development of approaches to diagnostics and pharmacotherapy of chronic heart failure, taking into account indicators of neurohormonal systems and renal function..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАСУЛОВА ЗУЛФИЯ ДАДАЕВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА БУЙРАКЛАРНИНГ
ФУНКЦИЯСИНИ ВА НЕЙРОГУМОРАЛ ТИЗИМЛАРНИНГ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ДИАГНОСТИКА
ВА ФАРМАКОТЕРАПИЯГА ЁНДАШУВНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib48 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tipme.uz) ҳамда «ZiyoNet» (www.ziyo.net) тармоғига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамедов Мехман Ниязович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Абдуллаев Тимур Атаназарович
тиббиёт фанлари доктори

Мухамедова Муяссар Гафурджановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

А.И. Евдокимов номидаги Москва
давлат тиббиёт-стоматология Университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: info@tipme.uz, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____да тарқатилди.
(2018 йил «___»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) юрак-қон тизимининг кўп тарқалган, тараққий этувчи ва прогностик нохуш касалликларидан бири ҳисобланади, унинг ижтимоий аҳамияти беморлар ўлим даражасининг юқорилиги, госпитализация учун кўпроқ сабаб бўлиши, ҳаёт сифати (ХС)нинг ёмонлашуви ва ҳаётга лаёқатлилигининг чекланиши билан тавсифланади. Охирги тавсияномалар (2016) маълумотларига кўра «ривожланган мамлакатларда катта ёшдаги аҳолининг 1–2%и ЮЕга эга»¹. СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункцияси мавжудлиги нохуш клиник оқибат предиктори бўлиб ҳисобланади, унинг СЮЕда тарқалганлиги 25–60%гачани ташкил қилади. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) популяциясида коптокча фильтрацияси тезлиги (КФТ)нинг пасайиши нохуш прогноз маркери сифатида баҳоланади: «КФТ<60 мл/дақ./1,73м² бўлганда ўлим ҳавфи 2,1 маротабага ортади, буйрак етишмовчилиги (БЕ) мавжудлигида ЧҚ систолик функцияси пасайиши беморлар ўлими ҳавфини 3,8 мартага оширади»².

Жаҳонда СЮЕ бор беморларни ташхислаш, эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. СЮЕни эрта аниқлашда долзарб диагностика ёндашувни ишлаб чиқиш мақсадида нейрогуморал, клиник-гемодинамик, юрак-қон томир ремоделланиши кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда СЮЕда буйраклар ҳолати кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш муҳимдир. СЮЕда буйраклар дисфункциясини эрта диагностика қилиш мезонларини такомиллаштириш, буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда СЮЕни ривожланиб бориши ва кечишини прогнозлашнинг математик усулини ишлаб чиқиш ва буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда дифференциал фармакотерапияга замонавий ёндашувни оптималлаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ва аҳоли касалланиш кўрсаткичларини

¹ ESC Guidelines for the diagnosis and treatment of acute and chronic heart failure 2016. European Heart Journal, 2016; 37 (27): 2129-2200.

² Clinical Practice Guideline for the Evaluation and Management of Chronic Kidney Disease. Kidney International (Suppl.), 2013; 3: 1-150.

пасайтиришни таъминлаш ва аҳоли ҳаёт давомийлигини узайтириш»³ каби вазифалар белгилаб берилган. Кардиология соҳасини изчил ривожлантириш, юрак-қон томир касалликларини олдини олиш, ҳавф омилларини эрта аниқлаш ва касалликни даволашда фармакотерапевтик самарадорликни ошириш, шу жумладан СЮЕ эрта ташхислаш, касаллик клиник кечишини прогнозлаш, даволаш чораларини ишлаб чиқиш ва бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш устувор аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш учун диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

СЮЕ ва буйраклар дисфункциясини ташхислаш ҳамда даволашга янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртларида, жумладан, Johns Hopkins University, Maryland (АҚШ), University of California Davis (АҚШ), University of Colorado (АҚШ), Meander Medical Centre (Нидерландия); National Heart and Lung Institute, Imperial College London and Royal Brompton Hospital (Буюк Британия); France Paris Descartes University (Франция), Charité-University Medical Centre, Campus Virchow-Klinikum (Германия), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббиёт текшириш маркази (Россия Федерацияси), А.Л. Мясников номидаги Кардиология институти (Россия Федерацияси), Россия Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Давлат Профилактик тиббиёт илмий-текшириш маркази ФДБМда (Россия Федерацияси) олиб борилади.

СЮЕ билан хасталанган беморларни даволашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: СЮЕ оғирлик даражаси ва буйраклар функцияси бузилиши ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган (Республика

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

⁴ Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари мунозараси: <https://www.webmd.com/heart-disease/guide-heart-failure>; <https://www.escardio.org>; <https://www.nhs.uk/conditions/heart-failure/diagnosis/>; <https://emedicine.medscape.com/article/163062-treatment>.

«Кардиология» илмий-амалий маркази, Беларусь Республикаси); юрак етишмовчилиги клиник кечиши ва унинг гемодинамикага ҳамда буйраклар функциясига таъсири орасидаги ўзаро боғлиқлик, СЮЕ бор беморларда диагностика ва даволашни оптималлаштириш мақсадида нейрогуморал омилларнинг аҳамияти баҳоланган (University of Chicago, USA; Tianjin Medical University, China).

Ҳозирги вақтда дунёда СЮЕ эрта ташхислашни мақбуллаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: буйраклар дисфункциясининг эрта диагностик маркёрларини, нейрогуморал омилларнинг юрак ва буйрак дисфункцияси билан боғлиқлигини замонавий усуллар билан аниқлаш; нейрогуморал омиллар ва буйрак дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда касалликни эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш; касалликни даволашда фармакотерапевтик самарадорликни оширишни ва бунинг натижасида касаллик клиник кечишини ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш; СЮЕ ва буйрак дисфункцияси ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СЮЕда патогенетик механизмларни ўрганишга ва даволаш-реабилитацион чора-тадбирларни оптималлаштиришга кўплаб олимларнинг илмий ишлари бағишланган (Cheng R.K. et al., 2014; Eshtehardi P. et al., 2015; Мамедов М.Н. ва ҳаммуал., 2017). Буйраклар дисфункцияси (БД) СЮЕ бор беморларда прогнозини ва яшаб қолиш даражасини ёмонлаштиради (Plischke M. et al., 2013; Sarnak M.J. et al., 2015; Reid R. et al., 2015).

СЮЕда КФТнинг пасайиши ва креатинин (Кр) даражасининг ошиши чап қоринча отилиш фракцияси (ЧҚ ОФ) каби, нохуш прогнознинг мустақил белгилари сифатида кўрилади (Lesley A.I. et al. 2012; Кузьмин О.Б., 2015). Гиперферментурия, яъни пешобда аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), ишқорий фосфатаза (ИФ) каби ферментлар даражасининг ортиши буйраклар тубуляр аппаратлари дисфункциясини тавсифлайди, бу ҳолат буйраклар дисфункциясига олиб келувчи бир қатор юрак билан боғлиқ бўлмаган касалликларда ва буйраклар хасталикларида баҳоланган (Бабинцева А.Г., 2016). Сурункали буйраклар касаллиги (СБК) билан бирга кечадиган СЮЕда, шунингдек, буйраклар дисфункциясининг эрта предикторлари сифатида цистатин С ва β 2-микроглобулин роли аниқланган (Gao Y. et al., 2013; Кравчун П.Г. и соав., 2012).

СЮЕ билан бирга кечадиган СБК бор беморларда даволаш стратегияси дори препаратларининг нефропротектив самарадорлигига асосланиши зарур. Ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлар (АЎФИ) самарадорлиги бўйича бир қатор тадқиқотлар натижалари мутлақо бошқача натижаларга эга: ушбу препаратларнинг қўлланилиши буйраклар функцияси нормал бўлган шахсларга нисбатан анча самарали бўлган (Molitoris B. 2012, Breit M., 2016).

Охирги йилларда эришилган ютуқларга қарамай, СЮЕни диагностика ва даволаш бўйича долзарб муаммолар мавжуд. БД ва СЮЕнинг бирга кечиши терапевтик ёндашувни аниқлашда жиддий муаммоларни юзага келтириб чиқаради, терапевтик ёндашув эса бу икки коморбид ҳолатларда нефропротектив йўналишда бўлиши лозим (Molitoris B. et al., 2014; Ефремова Е.В. ва ҳаммуал, 2015). АЎФИ ва ангиотензин II рецепторлари антагонистлари (АРА) кардиоваскуляр континуумнинг турли босқичларида, жумладан, СЮЕ шаклланишида, турли этиологияли нефропатияларда тавсия этилади, улар органопротектор самара кўрсатади ва клиник прогнозни яхшилайти (Lambers H.J., 2015, Kiernan M.S., 2015). Уларнинг яшаб қолиш даражаси ва ЮЕ декомпенсацияси билан боғлиқ қайта госпитализациялар ҳавфи муносабатида ижобий таъсири тасдиқланган факт ҳисобланади (Hern B.S., 2012; Eshtehardi P., 2015). Шу билан бирга уларнинг кардиоренал синдром (КРС)даги ролига бағишланган махсус қиёсий тадқиқотлар ўтказилмаган. СЮЕ ва СБК бағишланган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилганда РААТни сурункали нейрогуморал қамали ижобий самараси КРС пайдо бўлиши ҳавфини камайтиришда юзаки аниқлаган, лекин СЮЕда бу изланишлар камроқ олиб борилган.

Ўзбекистонда СЮЕ муаммоси бўйича Р.Д. Курбанов, А.Г. Гадаев, Т.А. Абдуллаев, У.К. Камилова ва б. илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Аввал нейрогуморал ва генетик омилларнинг эндотелий дисфункцияси, СЮЕ прогнози ҳамда клиник кечишига таъсири аниқланган (Р.Д. Курбанов, 2016; У.К. Камилова, 2016). Бироқ, СЮЕ бор беморларнинг буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичлари ва нейрогуморал омиллар билан боғлиқлигини ҳисобга олган фармакотерапияси бўйича ягона фикр мавжуд эмас. СЮЕ да буйракларнинг тубулоинтерстициал аппарати фаолиятини буйраклар гемодинамикаси ҳолатини, юрак систолик ва диастолик дисфункциясини ўрганиш БД эрта диагностикаси касалликнинг ривожланиб бориши ва нохуш кечишини прогнозлаш, ҳамда касалликни профилактикаси, ва даволашнинг самарали тактикасини аниқлашга имкон беради.

Юқорида баён қилинганлар муносабати билан замонавий кардиологиянинг долзарб муаммоси бўлиб буйраклар дисфункцияси ва кўрсаткичларини, касалликнинг клиник кечиши хусусиятларини ва нейрогуморал омилларни ҳисобга олган ҳолда СЮЕ бор беморлар фармакотерапиясини оптималлаштириш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг АДСС 15.5-сон «Буйракларнинг функционал ҳолатини нейрогуморал кўрсаткичларини ва юрак-қон томир ҳавфини прогнозлашни ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етишмовчилиги

фармакотерапиясини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади СЮЕ бор беморларда буйракларнинг функциясини ва нейрогуморал тизимларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда эрта диагностикасини такомиллаштириш ва фармакотерапияга ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморлар клиник ҳолатини, ҳаёт сифатини ва СЮЕ бор беморларнинг жисмоний зўриқишларга чидамлилигини баҳолаш;

СЮЕ бор беморларда чап қоринча ремоделланиши жараёнларини – систолик, диастолик функциялар бузилиши, ремоделланиш турлари аниқлаш;

СЮЕ бор беморларда нейрогуморал омилларни (норадреналин (НА), мия НУП (МНУП) ва альдостерон (Ал)) таҳлил қилиш;

СЮЕ бор беморларда касалликнинг клиник кечиши, нейрогуморал омиллар даражаси, гемодинамик кўрсаткичлар ва буйракларнинг функционал ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

буйракларнинг функционал ҳолатини, буйракларда қон томир-тўқима ҳисобга олган ҳолда СЮЕ бор беморларда диагностикага ёндашувни ишлаб чиқиш;

нейрогуморал, гемодинамик кўрсаткичларни, буйракларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ бор беморлар фармакотерапиясининг оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанаётган юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва I-III ФС СЮЕ бор 223 нафар бемор танланган.

Тадқиқотнинг предмети мия натрийуретик пептид, альдостерон ва норадреналин миқдорий иммунофермент таҳлил ёрдамида аниқлаш учун веноз қон ва зардоб, биокимёвий усул ёрдамида ферментлар даражасини аниқлаш учун эрталабки пешоб ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал, статистик услублар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор СЮЕ бор беморларда БДнинг эрта маркерлари ва буйраклар қон оқими кўрсаткичларининг салбийлашуви буйраклар тубулоэпителиал аппарати шикастланишининг эрта прогностик предикторлари сифатида асосланган;

СЮЕ бор беморларда касаллик клиник кечиши хусусиятлари, нейрогуморал омиллар (НА, МНУП, Ал) миқдори ва чап қоринча ремоделланиши (ЧҚР) кўрсаткичлари БД параметрлари (КФТ ва ферментурия) даражасига боғлиқлиги исботланган;

илк бор СЮЕ бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолатининг уйқу ва буйраклар артериялари гемодинамик кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк бор СЮЕ I-III ФС бор беморларда лизиноприл ва лозартаннинг нейрогуморал омиллар ва буйракларнинг функционал ҳолатига, буйраклар қон оқими кўрсаткичлари ҳамда юрак-қон томир ремоделланиши жараёнларига қиёсий самарадорлиги асосланган;

буйраклар функцияси бузилишларини ва нейрогуморал омилларни ҳисобга олган ҳолда СЮЕни даволашга ёндашув такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

СЮЕ бор беморларда Кр ортиши, КФТ пасайиши, ферментурия ортиши, буйраклар қон оқими ёмонлашуви билан тавсифланувчи буйраклар функциясининг субклиник бузилишларини эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

СЮЕ бор беморларда нейрогуморал тизим бузилишларини ҳисобга олган ҳолда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлаш, юрак-қон томир асоратлари ривожланишини ўз вақтида прогнозлаш, юрак-қон томир ҳавфини баҳолаш ва нефропротектив хусусиятларга эга дори воситаларини қўллаш ёрдамида дифференциал даволаш чора-тадбирлари механизми такомиллаштирилган;

юрак-қон томир ремоделланиши ва буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ ривожланиб бориши ва нохуш кечишини прогнозлашни баҳолашнинг математик усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, СЮЕ бор беморларда клиник-функционал, нейрогуморал кўрсаткичлар ва юрак-қон томир ремоделланиши жараёнларининг ўзаро боғлиқлик механизмларини ўрганишга катта хисса қўшади, буйраклар тубулоэпителиал аппарати шикастланишининг эрта предикторлари аниқлаш ва касалликни терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункциясини эрта диагностик ва даволаш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлаш юрак-қон томир ҳавфи ривожланишини ўз вақтида прогноз қилиши ва нефропротектив

хусусиятларга эга дори препаратларини қўллаш орқали, касалликни эрта аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш услуги ишлаб чиқилган. Юрак-қон томир ремоделланиши ва буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда математик дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у СЮЕ бор беморларда касаллик кечишини яхшилаш, СЮЕни ҳам, БДни ҳам ривожланиб боришининг олдини олиш, госпитализациялар сонини камайтириш, даволаш муддатларини қисқартириш ва иккиламчи асоратлар ривожланиши олдини олиш, яъни умуман прогнозни ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункциясининг эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва дифференциал даволаш тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиб боришини прогнозлаш усули» ихтирога учун патент олинган (№ IAP 05544). Ушбу патент сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиб боришини ва салбий кечишини прогнозлашни математик усулда баҳолашга имкон беради;

«Сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш» номли услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 8н-з/30-сон хулосаси). Мазкур услубий қўлланма СЮЕ бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш ва буйраклар дисфункциясининг олдини олиш чоратadbирларини такомиллаштириш имконини беради;

СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункциясининг эрта предикторларини баҳолаш ва терапевтик ёндашувни оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалига, жумладан Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент ва Бухоро вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 8н-з/30-сон хулосаси). Илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши СЮЕ бор беморларни эрта аниқлашга ва касаллик кечишини яхшиланишига, асоратларнинг олдини олишга, госпитализациялар сонини ва даволаш давомийлигини 1,5 мартага камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 16 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 82 та илмий иш нашр қилиниб, улардан 14 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, шундан 4 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган, «Буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган

ҳолда сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланиб боришини прогнозлаш усули» мавзусида ихтиро учун патент олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Буйраклар дисфункцияси билан бирга СЮЕ нинг замонавий патогенетик жиҳатлари ва фармакотерапияси тамойиллари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда юрак-қон томир тизими ремоделланиши, сурункали юрак етишмовчилиги патогенезида нейрогуморал омиллар роли, сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини ўрганиш, СЮЕ ва БД бор беморларда фармакотерапия - АЎФИ ва АРАни қўллаш бўйича тадқиқотларнинг таҳлили билан бирга адабиётлар мунозараси келтирилган.

Диссертациянинг **«СЮЕда буйракларнинг функциясини ва нейрогуморал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда диагностика ва фармакотерапияга ёндашувни ишлаб чиқишни баҳолаш методологияси ва баҳолаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Ушбу тадқиқотга Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанаётган 223 нафар ЮИК ва СЮЕ I-III ФС билан касалланган бемор киритилиб, дастлабки даврда ва даволашдан 6 ойдан кейин текширилди. Биринчи (I) гуруҳни I ФС (28 та), II ФС (51 та) ва III ФС (39 та бемор) СЮЕ бор жами 118 нафар бемор ташкил қилиб, улар стандарт терапия фонида лизиноприл қабул қилганлар; иккинчи (II) гуруҳни I ФС (22 та), II ФС (49 та) ва III ФС (34 та бемор) СЮЕ бор жами 105 нафар бемор ташкил қилиб, улар 6 ой давомида стандарт терапия фонида лозартан қабул қилганлар. Лизиноприл дозаси суткасига 5-10 мггача титрланди (препаратнинг ўртача дозаси $7,8 \pm 2,6$ мгни ташкил қилди), лозартан дозаси суткасига 50-100 мггача

титрланди (препаратнинг ўртача дозаси $76,3 \pm 25,6$ мгни ташкил қилди). Беморларнинг ўртача ёши $62,3 \pm 5,6$ ни ташкил қилди. Гуруҳлар беморларнинг ёши, жинси ва ёндош касалликлар бўйича ажратилди. Шунингдек барча беморлар хКФТ бўйича ҳам 2 гуруҳга бўлинди: СБКнинг 3 босқичига мос келадиган $30 < \text{хКФТ} \leq 60$ мл/дақ./ $1,73\text{м}^2$ бўлган – 67 нафар бемор (29 нафари 1 гуруҳда, 38 нафар бемор – 2 гуруҳда), ва $\text{хКФТ} > 60$ мл/дақ./ $1,73\text{м}^2$ бўлган – 156 нафар бемор (89 нафари 1 гуруҳда, 67 нафар бемор – 2 гуруҳда). СБКнинг 3 босқичи бор беморлар: 54 нафари (80,6%) СБКнинг 3А босқичи, ва 13 нафар (19,4%) СБКнинг 3Б босқичи бўлган беморлардан иборат.

Назорат гуруҳини эркак жинсига мансуб 20 нафар ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққослаш мумкин бўлган, юрак-қон томир ва буйрақлар касалликлари бўлмаган ихтиёрий шахслар ташкил қилган. Стандарт терапия схемасига қуйидагилар киритилди: бета-блокаторлар – бисопролол суткасига 5–10 мг дозада, антиагрегантлар, статинлар 78%, II ва III ФС беморларида спиронолактон суткасига 25–50 мг дозада ва халқали диуретиклар қисқа курслар билан кўрсатмалар бўйича.

Беморлар клиник ҳолатини баҳолаш олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС), клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) натижалари бўйича ўтказилди, ЮЕ симптомлари ифодаланганлигини Г.Е. Гендлин ва Е.В. Самсонов томонидан модификацияланган «Ҳаёт сифати индекси» (2000) сўровномаси ёрдамида баҳоланди, ҳаёт сифати (ХС) «ЮЕ да ҳаёт сифатининг Миннесота сўровномаси» (Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire) ёрдамида аниқланди. Юрак-қон томир тизими ремоделланишини баҳолаш учун эхокардиография (ЭхоКГ), умумий уйқу артерияси (УУА) даражасида доплерография ўтказилди. Буйрақларнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун қон зардобдаги креатинин (Кр) ва пешобдаги ферментлар (АЛТ, АСТ, ИФ) бошланғич даврда ва даволаш динамикасида аниқланди, креатинин клиренси Кокрофт-Гаулт (КрК) ва КФТ MDRD формуласи (хКФТ) бўйича ҳисоблаб чиқарилди. II-III ФС СЮЕ бор беморлар ($n=46$) нинг нейрогормонал статусини иммунофермент услуб орқали қон зардобдаги МНУП, альдостерон, норадреналин миқдори бўйича аниқланди.

Буйрақлар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ кечишини прогнозлаш кўрсаткичлари аҳамиятини баҳолаш учун Байес формуласига асосланган алгоритмларни қўллаган ҳолда эҳтимоллик ёндашуви билан бирга образларни таниш назариясига асосланган услуб (қайтар эҳтимоллик тўғрисидаги теорема ёки гипотезалар теоремаси), Вальднинг кетма-кетлик статистик таҳлили услуби, А.А. Генкин ва Е.В. Гублер (1964) томонидан ишлаб чиқилган биология ва тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган бир хил бўлмаган кетма-кетлик муолажаси услуби қўлланилган.

Натижаларнинг статистик ишлови учун Microsoft Office Excel – 2013 дастурий пакет, шунингдек, статистик ишловлар функциялари киритилган STATISTICA-6,0 дастури қўлланилган. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик бирлигини (М), ўртача квадратик чекланишни (SD), ўртача

бирлик стандарт хатосини (m), нисбий катталикларни (тезланиш, %) ҳисоблаб чиққан ҳолда статистиканинг параметрик ва нопараметрик услублари қўлланилди, ўртача катталикларни таққослаганда олинган ўлчамларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони (t) бўйича аниқланган ҳамда тақсимланиш нормаллигини (эксцесс мезони) ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) текширганда хато эҳтимоли (P) ҳисоблаб чиқарилган. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар деб $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинди. Сифат белгилари бўйича гуруҳларни таққослаганда χ^2 мезони қўлланилди. Микдорий ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун Пирсоннинг чизикли корреляция коэффицентини ҳисоблаб чиқарган ҳолда корреляцион таҳлил услуби қўлланилди.


Диссертациянинг «СЮЕ бор беморларда клиник ҳолатни, юрак-қон томир ремоделланишини, нейрогуморал омилларни ва буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичларининг баҳолаш» деб номланган учинчи бобида СЮЕ бор беморларнинг ОДЮС бўйича жисмоний зўриқишга чидамлилиги, КХБШ бўйича беморларнинг клиник ҳолати, ХС кўрсаткичлари, юракнинг тузилма-геометрик кўрсаткичлари, УУА даражасида қон томир ремоделланиши кўрсаткичлари, нейрогуморал кўрсаткичлар – қон зардобидидаги МНУП, Ал ва НА ва буйраклар функционал ҳолати ва буйраклар қон оқимининг бузилишлари натижалари тақдим қилинган.

Аниқланганки, СЮЕ бор беморларда касаллик ривожланиб бориши натижасида беморларнинг СЮЕнинг клиник белгилари ортган, жисмоний зўриқишга чидамлилиги камайган бўлиб, булар иккала гуруҳда ҳам ОДЮСда масофанинг қисқаришида, КХБШ баллари йиғиндисининг ортишида, ХС ёмонлашгани ХС йиғинди индексининг ва ХСИнинг ортишида ифодаланган.

Буйраклар филтрацион функциясининг бузилиши деб $xKFT \leq 60$ мл/дақ./ $1,73m^2$ қабул қилинди. Шу нарса қайд қилинганки, 67 нафар (30%) текширилган беморда $xKFT$ нинг 60 мл/дақ./ $1,73m^2$ дан камайиши: 26% I ФС бор беморларда, 27% II ФС бор беморларда, 37% III ФС бор беморларда кузатилган. Текширилган беморларда MDRD формуласи бўйича $xKFT$ натижалари бўйича буйраклар дисфункцияси даражасига кўра клиник ҳолат, ХС ва ОДЮС кўрсаткичларининг таҳлили ўтказилди. $xKFT \leq 60$ мл/дақ./ $1,73m^2$ бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи $xKFT > 60$ мл/дақ./ $1,73m^2$ бўлган беморларга нисбатан 14,1%га паст эканлиги аниқланган ($p < 0,005$) (1-расм), $xKFT \leq 60$ ва $xKFT > 60$ мл/дақ./ $1,73m^2$ бўлган гуруҳларда $xKFT$ ва ОДЮС кўрсаткичлари ўртасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган ($r = 0,41$, $r = 0,48$).

СЮЕ ФСга ва $xKFT$ га кўра ЧҚ ремоделланиши, диастолик функция кўрсаткичларининг таҳлили кўрсатдики, юракнинг патологик ремоделланиши жараёни 59,3% беморда секинлашган релаксация типи бўйича систолик ва диастолик дисфункцияларнинг устунлиги билан бирга ЧҚ тузилма-геометрик қайта қурилиши ривожланиб бориши ва III ФС СЮЕ

бор беморларда ДД рестриктив типи бўлган беморлар сонининг ортиши билан бирга кузатилади.



1-расм. КФТр 60 мл/дақ./1,73м² дан кам ёки кўп бўлган СЮЕ бор беморларда ОДЮС ва ХСБШ кўрсаткичлари


Диастолик ва систолик функциялар кўрсаткичлари ва хКФТ ўртасидаги боғлиқлик: хКФТ ≤ 60 мл/дақ./1,73м² бўлган беморларда хКФТ > 60 мл/дақ./1,73м² бўлган беморларга нисбатан ОФ 10,8%га паст ($p < 0,05$), ОСХ 9,3%га юқори ($p < 0,05$), ЧҚ эрта тўлиш тезлиги 6,8%га ишончли паст ($p < 0,05$) эканлиги аниқланди; хКФТ ≤ 60 ва > 60 мл/дақ./1,73м² бўлган СЮЕ бор беморлар гуруҳларида хКФТ ва ЧҚ ОФ ўртасида корреляция коэффициенти $r = 0,40$, $r = 0,38$ бўлган, хКФТ ва Е тезлиги ўртасида корреляция коэффициенти $r = 0,38$ ва $r = 0,46$ бўлган ўртача ижобий корреляцион боғлиқлик қайд этилди.

СЮЕ I-III ФС бор беморларда УУА даражасидаги брахиоцефал қон томирлар доплерографияси натижалари кўрсатдики, назорат гуруҳига нисбатан СЮЕ ривожланиб бориши қон томирлар ремоделланиши, периферик қаршилиқнинг асосий кўрсаткичлари сифатида V_{mean} қон оқими ўртача тезлигининг пасайиши, қон оқими тезлигининг диастолада V_d ва систолада V_s пасайиши, RI резистентлик ва PI пульсативлик индексларининг ортиши ҳамда ИМҚ деворининг ишончли қалинлашуви билан шартланади. СЮЕ бор беморларда хКФТ га кўра УУА даражасида қон томир ремоделланиши кўрсаткичларининг таҳлили V_d тезлигида статистик аҳамиятга эга ишончли фарқларни кўрсатди, қайсики хКФТ > 60 мл/дақ./1,73м² бўлган беморларга нисбатан хКФТ ≤ 60 мл/дақ./1,73м² бўлган беморларда ўнг ва чап УУА даражасида 10,3% ва 11%га юқорилиги ($p < 0,05$) аниқланди.

Нейрогормонал кўрсаткичлар НА, МНУП ва Ал нинг дастлабки даражалари таҳлили кўрсатдики, СЮЕ бор беморларда нейрогуморал омиллар НА, Ал ва МНУПнинг ишончли ортиши СЮЕ ФС ва ЧҚ систолик дисфункцияси даражаси билан шартланади. МНУП, Ал ва НА микдори

назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан СЮЕ II ФС бор беморларда мувофиқ равишда 3, 1,5 ва 1,85 мартага, СЮЕ III ФС бор беморларда эса 4,2, 1,9 ва 2,2 мартага ортди. II ФС СЮЕ бор беморларда нейрогормонларнинг ўртача юқори миқдори устун бўлган, III ФС СЮЕ бор беморларда нейрогормонлар МНУП, Ал ва НА ортишининг юқори даражаси кузатилган. Нейрогормонлар МНУП, Ал ва НА даражаларининг юрак ремоделланиши кўрсаткичлари ва ферментурия даражаси билан ассоциацияси аниқланди: ОФ билан юқори тескари корреляцион боғлиқлик (мувофиқ равишда $r=0,76$, $r=0,70$ ва $r=0,72$) ва ЧҚ ОДХ билан тўғри корреляцион боғлиқлик (мувофиқ равишда $r=0,75$, $r=0,78$ ва $r=0,70$), пешобдаги АЛТ даражаси билан ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик (мувофиқ равишда $r=0,65$, $r=0,55$ ва $r=0,65$) кузатилди.

67 нафар (30%) текширилган беморда хКФТ нинг 60 мл/дақ./1,73 м²дан камайиши аниқланди (2-расм), бу эса, хаттоки, «изоляцияланган» СЮЕ буйраклар функцияси бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида далолат беради. III ФС СЮЕ бор беморларда хКФТнинг аҳамиятга эга пасайиши (<60 мл/дақ./1,73м²) 27 та (37%) беморда кузатилди.




2-расм. СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункцияси тузилмаси

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, Кр, КрК ва КФТ_{MDRD} кўрсаткичларида, ферментурия ва буйраклар қон оқими кўрсаткичларида СЮЕ I - III ФС бор биринчи ҳамда иккинчи гуруҳ беморларида статистик аҳамиятга эга фарқларга эга бўлмади. СЮЕ I ФС бор беморларда Кр, КрК ва хКФТ мувофиқ равишда $87,09 \pm 15,35$ мкмоль/л, $84,0 \pm 20,3$ мл/мин ва $71,0 \pm 14,8$ мл/дақ./1,73м²ни ташкил қилди, бунда КрК ва Кр кўрсаткичлари ёш кўрсаткичларига мувофиқ бўлган нормал қийматлар чегарасида бўлди. СЮЕ II ФС бор беморларда Кр, КрК ва хКФТ мувофиқ равишда $92,1 \pm 21,56$ мкмоль/л, $87,4 \pm 27,7$ мл/мин ва $72,7 \pm 17,7$ мл/дақ./1,73 м²ни ташкил қилди; СЮЕ III ФС бор беморларда беморларда Кр, КрК ва хКФТ мувофиқ равишда $102,6 \pm 22,21$ мкмоль/л, $74,5 \pm 24,5$ мл/мин ва $65,4 \pm 15,2$ мл/дақ./1,73м²дан иборат бўлди. СЮЕ II ФС бор беморларда I ФС СЮЕ бор беморларга

нисбатан КрК ва ҳКФТнинг пасайишга ҳамда Крнинг ортишга тенденцияси кузатилиб, статистик аҳамиятга эга даражага етмади. Буйраклар дисфункциясининг яққол ифодаланган клиник кўринишлари бўлмаган СЮЕ I ФС гуруҳига нисбатан СЮЕ III ФС бор беморларда КрК ва ҳКФТнинг мувофиқ равишда 15,2% ($p<0,005$) ва 12,9%га ($p<0,05$) ишончли пасайиши ва Кр даражасининг 8,5%га ($p<0,05$) ортиши қайд этилди.

Беморлар пешобидаги АЛТ, АСТ ва ИФ дастлабки кўрсаткичлари таҳлили СЮЕ I-III ФС бор беморлар пешобида назорат гуруҳига нисбатан ферментлар даражасининг ишончли ортишини кўрсатди. Гиперферментурия буйраклар тубулоэпителиал аппарати баҳолашнинг эрта маркери ва СЮЕ бор беморларда буйраклар дисфункциясининг ишончли предиктори бўлиб хизмат қилиши мумкин (3-расм).

149 нафар СЮЕ I-III ФС ва ЮИК бор беморларда ўнг ва чап буйраклар, сегментар ва улушли буйраклар артериялар даражасида буйраклар қон оқими кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Шундай қилиб, СЮЕ I-III ФС бор беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ўнг ва чап буйраклар артерияси даражасида, шунингдек аъзолар ичи (сегментар, улушли) артериялар даражасида резистентлик ва пульсатив кўрсаткичларнинг ортиши билан бир қаторда систола ва диастола даврида тезлик кўрсаткичларининг, ўрталаштирилган тезликнинг пасайиши кузатилди, айниқса ушбу бузилишлар улушли буйраклар артериялар даражасида яққол ифодаланган. Қон томир ремоделланиши кўрсаткичлари ва ҳКФТ ўртасида боғлиқлик аниқланди: $ҳКФТ \leq 60$ мл/дақ./ $1,73м^2$ бўлган беморларда $ҳКФТ > 60$ мл/дақ./ $1,73м^2$ бўлган беморлар кўрсаткичларига нисбатан ўнг ва чап УУА даражасида V_d 10,3% ва 11% га паст эканлиги ва ўнг ва чап буйрак артерияларида V_s нинг 16,1 ва 17%, V_d нинг 17 ва 16%га, пульсативлик индексларнинг 9,6% ва 10%га ортиши кузатилади.



Изоҳ: *-ишончилилик даражаси назорат гуруҳига нисбатан $p<0,001$

3-расм. СЮЕ I-III ФС бор беморларда ферментурия кўрсаткичлари

Диссертациянинг «**Буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланиб боришини ва нохуш кечишини прогнозлаш**» деб номланган тўртинчи бобида юрак-қон томир ремоделланишини ва буйракларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ ни эрта аниқлаш, нохуш кечишини прогнозлаш ва баҳолашнинг ишлаб чиқилган математик усули ёритилади, бу усулга белгиларнинг математик моделини тузиш ва дифференциал-диагностик жадвалларни ишлаб чиқиш билан бирга алоҳида диагностик мезонларнинг аҳамияти, диагностик қиймати ва прогностик аҳамиятини баҳолаш киритилган. А. Вальд услубига мувофиқ ҳар бир белгининг диагностик коэффицентлари (ДК)ни ҳисоблаб чиқариш қуйидаги формула бўйича амалга оширилган: $ДК=10 \times \lg P^1/P^2$, бунда P^1 – биринчи верификация қилинган ҳолатда белгининг нисбий тезланиши (бир сонидан улушларда ифодаланган); P^2 – иккинчи верификация қилинган ҳолатда белгининг нисбий тезланиши (бир сонидан улушларда ифодаланган); $\lg$ – ўнлик логарифми. Ҳар бир диагностик коэффицентларнинг ахборотлилиги (J) Кульбак формуласи бўйича ҳисоблаб чиқарилган: $J = 0,5 \times ДК \times (P^1 - P^2)$.

СЮЕ кечишини прогнозлаш учун ҳар белги аниқланишининг сезгирлиги, спецификлиги ва аҳамиятини баҳолаш тузилган ечим матрицаси ва мувофиқ формулалар асосида ўтказилди. ДК информативликка эга, яъни 0,5га тенг ёки ундан катта бўлган белгилар профили танланди, уларга хКФТ 60 мл/дақ./1,73м²дан паст, ОФ, ОДХ, ОСЎ, ИСd, УУА даражасидаги ИМҚ 1,1 ммдан ортиқ белгилар киради. ДК нинг чегара катталиги = +15 ёки ундан катта бўлганда СЮЕнинг нохуш кечиши прогноз қилинади. ДК = – 20 ва ундан кичик қийматларда (яъни нохуш оқибат ҳавфи омиллари минимал бўлганда ёки умуман бўлмаганда) СЮЕ стабил кечиши тўғрисида хулоса қилинади. Йиғинди ДКнинг чегара абсолют катталиги – 20га ва +15га тенг бўлиши $p < 0,05$ бўлган ҳатосиз эҳтимоллик билан хулосалар даражаси учун қўлланган услуб билан тавсия этилади. Ушбу услубнинг афзаллиги унинг соддаллиги ва шифокор фикрлашига логик мувофиқлиги бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Лизиноприл ва лозартаннинг СЮЕ бор беморлар клиник ҳолатига, юрак-қон томир ремоделланиши кўрсаткичларига ва нейрогормонал омилларга самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида лизиноприл ва лозартаннинг 6 ойлик даволаш фонида СЮЕ бор беморлар клиник ҳолатига, юрак-қон ремоделланиши кўрсаткичларига ва нейрогормонал омилларга таъсири кўрсатилган. Тадқиқот натижалари курсатдики, иккала гуруҳда ҳам даволаш фонида Миннесот сўровномаси маълумотлари бўйича ҲСнинг ҲСБШ, ҲСИ бўйича баллар йиғиндисининг ишончли камайиши, ОДЮС масофасининг узайиши билан бирга жисмоний зўриқишга чидамлилиқнинг ортиши кузатилди.

Лизиноприл ва лозартаннинг СЮЕ бор беморларда дезадаптив ремоделланиш жараёнига самарасини баҳолаш иккала гуруҳда тузилма кўрсаткичлари ва ЧҚ систолик функциясининг яхшиланишини, систолик ва


диастолик сфериклик кўрсаткичларининг камайиши билан тавсифланувчи ЧҚ геометрик кўрсаткичларининг тикланишини кўрсатди. 6 ойлик даволашдан кейин олинган натижаларнинг таҳлили иккала гуруҳда қуйидагилар қайд этилди: биринчи ва иккинчи гуруҳнинг I ФС беморларида дастлабки қийматларга нисбатан мувофиқ равишда ОДХ 9,1%га ($p>0,05$) ва 18,2%га ($p<0,001$), ОСХ 17,7%га ($p>0,05$) ва 24,5%га ($p<0,001$) камайди, ОФ 5,9%га ($p<0,05$) ва 7,4%га ($p>0,05$) ортди, ЧҚМВИ 12,5%га ($p<0,05$) ва 19,7%га ($p<0,005$) ортди. Лизиноприл гуруҳидаги II ФС СЮЕ бор беморларда ОДХ ва ОСХ мувофиқ равишда 10,5%га ($p<0,05$) ва 19,7%га ($p<0,001$) камайди, ОФ 10,2%га ($p<0,001$) ортди, лозартан гуруҳида ОДХ ва ОСХнинг камайиши мувофиқ равишда 14,1%ни ($p<0,005$) ва 12,2%ни ($p<0,05$) ҳамда ОФ нинг ортиши 8,9%ни ($p<0,001$) ташкил қилди; СЮЕ III ФС бор беморларнинг биринчи гуруҳида ОДХ ва ОСХ мувофиқ равишда 12,5%га ($p>0,05$) ва 23,9%га ($p<0,02$) камайди, ОФ 15,3%га ($p<0,001$) ортди, беморларнинг иккинчи гуруҳида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ОСХ 18,4%га ($p<0,02$) камайди ва ОФ 19,8%га ($p<0,001$) ортди.

Тузилма кўрсаткичларнинг яхшиланиши ИСd ва ИСs геометрик кўрсаткичларнинг яхшиланиши билан бирга кузатилди: биринчи гуруҳ беморларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ИСd ишончли камайиши фақат СЮЕ III ФС бор беморларда 6,3%ни ($p<0,05$) ташкил қилди, ИСs камайиши II ва III ФС беморларида 8,6%ни ($p<0,001$) ва 11,7%ни ($p<0,005$) ташкил қилди; иккинчи гуруҳ беморларида ИСdнинг ишончли камайиши фақат СЮЕ I ФС бор беморларда аниқланди ва 6,8%ни ($p<0,005$), ИСs нинг камайиши СЮЕ I ва III ФС бор беморларда 9,9% ($p<0,005$) ва 8,3%ни ($p<0,05$) ташкил қилди.

СЮЕ I-III ФС бор беморларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳида 6 ойлик даволашдан кейин ЧҚ диастолик функцияси кўрсаткичларининг яхшиланиши қайд этилди. СЮЕ I и III ФС бор беморларнинг биринчи гуруҳида диастолик функция кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: Е, А чўққиси, Е/А нисбати, ЧҚнинг изоволюметрик бўшашиш вақти IVRT ва ЧҚнинг эрта тўлиши фазасида оқим тезлиги секинлашуви вақти DT яхшиланиш тенденциясига эга бўлди; СЮЕ II ФС бор беморларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан Е чўққиси ва Е/Анинг мувофиқ равишда 12,6%га ($p<0,005$) ва 19,6%га ($p<0,001$) ортиши ҳамда А чўққисининг 10,1%га ($p<0,02$) камайиши қайд этилди. СЮЕ I ФС бор беморларнинг иккинчи гуруҳида даволаш фонида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан Е чўққиси ва Е/Анинг мувофиқ равишда 22,7%га ($p<0,005$) ва 28,4 %га ($p<0,001$) ортиши, IVRT ва DTнинг 4,6%га ($p<0,01$) ва 12,4%га ($p<0,001$) қисқариши қайд этилди; СЮЕ II ФС бор беморларда Анинг 10,1%га ($p<0,05$) камайиши; СЮЕ III ФС бор беморларда Енинг 12,6%га ($p<0,01$) ортиши ва DTнинг 12,7%га ($p<0,05$) қисқариши қайд этилди (4-расм).

Лизиноприл

Лозартан



Изоҳ: * - ишончлилик даражаси $p < 0,05$; ** - ишончлилик даражаси $p < 0,02$; *** - ишончлилик даражаси $p < 0,01$; **** - ишончлилик даражаси $p < 0,005$; ^ - назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси $p < 0,001$


4-расм. СЮЕ I-III ФС бор беморларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларида ЧҚ диастолик функцияси кўрсаткичлари динамикаси

СЮЕ I ва III ФС бор беморларда ЧҚ диастолик кўрсаткичларининг яхшиланишида лозартаннинг афзаллиги кўрсатилди. Даволаш динамикасида олинган брахиоцефал қон томирлар доплерографияси натижалари қон томирлар ремоделланиши кўрсаткичларининг иккала гуруҳда ҳам статистик аҳамиятга эга фарқларсиз УУА қон оқими тезлик кўрсаткичлари (V_{mean} ва V_d) нинг, «интима-медиа» қалинлигининг камайишга тенденцияси билан бирга резистентлик ва пульсативлик индекслари (PI ва RI) нинг яхшиланишини кўрсатди.

СЮЕ II-III ФС бор беморларда фармакотерапиянинг МНУП, Ал ва НА кўрсаткичларига таъсири баҳоланди. 6 ойлик даволашдан кейин биринчи гуруҳ СЮЕ II ФС бор беморларида ($n=23$) дастлабки қийматларга нисбатан МНУП, Ал ва НА даражаларининг мувофиқ равишда 36,5%, 21,2%, 22,5%га ишончли пасайиши, СЮЕ III ФС бор беморларида эса 35,2%, 31,2% ва 8,3%га пасайиши кузатилди; иккинчи гуруҳ СЮЕ II ФС бор беморларда ($n=23$) нейрогормонлар: МНУП, Ал ва НА даражалари даволаш динамикасида 43,7%, 21,2%, 22,5%га; СЮЕ III ФС бор беморларда эса дастлабки қийматларга нисбатан мувофиқ равишда 31,7%, 42,6% ва 9,9% га пасайди. Даволаш динамикасида гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар кузатилмади.

Диссертациянинг «СЮЕ бор беморларда лизиноприл ва лозартаннинг буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ва фармакотерапиясига ёндашувларни ишлаб чиқиш» деб номланган олтинчи бобида лизиноприл ва лозартаннинг буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичларига самарадорлиги баҳоланган ва

буйракларнинг функционал ҳолатини ва нейрогуморал омилларни ҳисобга олган ҳолда даволаш алгоритми келтирилган. 6 ой даволашдан кейин $\text{хКФТ} < 60 \text{ мл/дақ./1,73 м}^2$ бўлган беморлар сони 18,4%га (5-расм): биринчи ва иккинчи гуруҳларда мувофиқ равишда 11% ва 23,8%га камайиши қайд этилди.



5-расм. СЮЕ бор беморларда даволашдан олдин ва кейин буйраклар дисфункцияси тузилмаси

Лизиноприл киритилган олти ойлик даволаш фонида СЮЕ I ФС бор беморларда креатинин миқдорининг 9,9%га ($p < 0,05$) ишончли камайиши ва хКФТ ва КрКнинг мувофиқ равишда 12,3% ва 14,2%га ортишга тенденцияси кузатилди; СЮЕ II ФС бор беморларда фақатгина хКФТнинг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 8,7%га ($p < 0,05$) ортиши қайд этилди; СЮЕ III ФС бор беморларда буйраклар филтрацион функцияси кўрсаткичларининг яхшиланишга тенденцияси кузатилиб, у ишончли қийматларга етмади. Лозартан билан олти ойлик даволаш фонида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан хКФТнинг 17,3%га ($p < 0,02$) ортиши ва Крнинг 10,3%га ($p < 0,05$) камайиши кузатилди; СЮЕ II ФС бор беморларда хКФТнинг 12%га ($p < 0,05$) ортиши ва Крнинг 10,3%га ($p < 0,05$) камайиши; СЮЕ III ФС бор беморларда хКФТ ва КрКнинг мувофиқ равишда 13,8%га ($p < 0,05$) ва 12,2%га ($p > 0,05$) ортиши ҳамда Крнинг 10,7% га ($p < 0,05$) пасайиши қайд этилди.

Даволаш динамикасида ферментурия даражасининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: биринчи гуруҳ СЮЕ I ФС бор беморларида АЛТ, АСТ ва ИФ кўрсаткичлари дастлабки қийматларга нисбатан мувофиқ равишда 10%га ($p < 0,001$), 6,6%га ($p < 0,001$), 13,9%га ($p < 0,001$) камайди; СЮЕ II ФС бор беморларда дастлабки қийматларга нисбатан фақат АЛТ ва АСТ мувофиқ равишда 35,1%га ($p < 0,001$) ва 33,5%га ($p < 0,001$) камайди; СЮЕ III ФС беморларда АЛТ, АСТ ва ИФ дастлабки қийматларга нисбатан мувофиқ равишда 26,4%га ($p < 0,001$), 22,5%га ($p < 0,001$), 38,3%га ($p < 0,001$) камайди. 6 ойлик даволашдан кейин иккинчи гуруҳ беморларида АЛТ, АСТ ва ИФ кўрсаткичлари дастлабки қийматларга нисбатан мувофиқ равишда 15,8%га ($p < 0,001$), 8,3%га ($p < 0,001$) ва 16,2%га ($p < 0,001$) пасайди, СЮЕ II ФС бор

беморларда - 39,5%га ($p<0,001$), 38,7%га ($p<0,001$), 35%га ($p<0,001$) камайди, СЮЕ III ФС бор беморларда – 29,5%га ($p<0,001$), 23,7%га ($p<0,001$), 21,6%га ($p<0,001$) пасайди.

